

Ishonch

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Дарвоқе, одатдагидек, бу йил ҳам ёз фаслида фарзандларимизни дам олдириш ва соғломлаштиришга пухта таянганлик кўрилди. Жумладан, республика бўйича 179 та стационар оромгоҳ фаолият юритиши белгиланган бўлиб, 2 июнь ҳолатига 55 таси биринчи сменада иш бошлади. Ҳозир уларда 7 минг 629 нафар ўғил-қиз дам олмақда ва соғломлаштирилмоқда. Олдинда яна ўн минглаб келаганимиз ворисларини қувончли олар кутмоқда.

Умуман олганда, жорий йилда республика бўйича 157 минг 680 нафар болани стационар оромгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилган.

Бу масканлар нафақат дам олиш, балки ёшларнинг қобилиятларини намоён этиш, янги билим ва кўникмаларга эга бўлиш майдони ҳамдир. Турли танловлар, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий кечалар ва саёҳатлар ҳар бир ўсмирнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этишга хизмат қилади.

Жараёнда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимидаги оромгоҳлар алоҳида ўрин тутди. Федерация тасарруфидидаги 84 та оромгоҳдан 23 таси айти пайтда фаолият бошлаган бўлиб, уларда 3 минг 730 нафар фарзандимиз соғломлаштирилмоқда. Мавсум якунига қадар 82 минг нафардан ортиқ ўғил-қизни қамраб олиш режалаштирилган. Шунингдек, вазирлик ва идоралар тасарруфидигилар ҳам ёзги мавсумни уюшқоқлик билан бошлади. Мавжуд 74 та оромгоҳнинг 28 таси биринчи сменада фаолият юритмоқда. Айти кунларда уларда 3 минг 169 нафар бола дам олмақда.

Хусусий сектор ҳам ўқувчиларнинг вақтини мазмунли ўтказишга муносиб ҳисса кўшмоқда. Айти вақтда иш бошлаган 4 та хусусий стационар оромгоҳда 730 нафар бола ёзги таътилнигил кунларини завқ билан ўтказмоқда.

Эътиборлиси, ёзги дам олиш фақат стационар оромгоҳлар билан чекланиб қолмапти. Республика бўйича 523 та кундузги дам олиш масканларида ҳам мавсум мазмунли ташкил этилмоқда. Уларда 26 минг 77 нафар бола қамраб олинган. Бу ҳар бир ҳудудда ўғил-қизларимизнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда кенг имкониятлар яратилаётганидан далолат беради.


Эрталабки бадантарбия, спорт майдончаларидаги мусобақалар, сахна чиқишлари, кечки гулхан агрофидидаги суҳбатлар ва энг муҳими – болажонларнинг беғубор кулгиси ёз фаслининг энг гўзал манзараларидан биридир.

Бу ҳали бошланиши ҳолос. Фарзандларимизни олдинда янги дўстлар, қизиқарили саргузаштлар, ёрқин хотиралар ва қувончли лаҳзаларга бой мавсум кутиб турибди.

Ғулумжон МИРАХМЕДОВ
«ISHONCH»

ЗАВҚҚА ТўЛА БАХТЛИ БОЛАЛИК

ЁЗ ФАСЛИ БОЛАЖОНЛАР УЧУН АЛОҲИДА БИР ОЛАМ. БУ ДАРС ВА ИМТИХОНЛАРДАН КЕЙИНГИ ЭРКИНЛИК, ЯНГИ ДўСТЛАР, ҚИЗИҚАРИЛИ МАШҒУЛОТЛАР ВА УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР МАВСУМИ. МАМЛАКАТИМИЗ БўЙЛАБ ОРОМГОҲЛАРДА ҲАЁТ ЖўШҚИН ТУС ОЛМОҚДА. УЛАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛИШИ УЧУН ХИЗМАТГА ШАЙ ТУРИБДИ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4-5 июнь кунлари амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрида бўлади.

Давлатимиз раҳбари «Прагматик мулоқот – барқарор келажақ сари йўл» шиори остида ўтадиган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг ялпи йиғилишида иштирок этади ва нутқ сўзлайди.

Давлатимиз раҳбарининг «Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.



ПОЙТАХТДАГИ МИНГДАН ЗИЁД ҚУРИЛИШЛАРГА ЯНГИ ТАЛАБЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Батафсил маълумот олиш учун Ishonch.uzga ўтинг:



КАФИЛЛИКНИ БЕКОР ҚИЛИШ МУМКИН, АГАР...

Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун [Ishonchning telegram kanaliga](https://t.me/Ishonch) ўтинг:



Мағлубият ортидаги ҳақиқат

Футбол

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Канадага қарши ўртоқлик учрашувида 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Бу ижтимоий тармоқларда кескин баҳс-мунозаралар ҳамда салбий фикрлар тўлқинини келтириб чиқарди. Мухлисларнинг ғалабини соғиниши, жамоадан доим юқори натижа кутиши табиий ҳол, албатта. Бироқ футболга ҳиссиётлар кўзойнагини ечиб, совуққон таҳлил билан қарасак, бу мағлубият фожиа эмас. Яъни жаҳон чемпионатидаги ўйинлар олдида энг муҳим сабоқлардан бири, ҳолос.

Келинг, негатив фикрларга берилмай, учрашувнинг аҳамияти ҳақида аниқ фактларга таяниб фикр юритайлик. Биринчи навбатда, рақибнинг даражасини ҳисобга олиш жоиз. Қўпчилик футбол мухлислари Канадани ҳали ҳам футбол мамлакатини эмас деб ҳисоблашади, лекин бу катта хато. Чунки Канада мундиалда бир неча марта иштирок этган. Масалан, бундан роппа-роса қирқ йил бурун – ҳув олис 1986 йилда Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Канада собиқ иттифоқ жамоаси билан битта гуруҳдан жой олган ва СССРга 0:2 ҳисобида ютқазган (Блохин ва Заваров гол урган) эди. Канада 2022 йил Қатарда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам қатнашган ва 2026 йилги глобал турнир мезбонларидан бири саналади.

Балки кўпчилик билмас, лекин канадаликлар таркибиде «Бавария» ёки «Лил» каби Европанинг гранд клубларида тўп сурадиган, дунё даражасидаги юлдузлар бор. Биз Осиё кубоги ёки минтақавий ўйинларда бундай юқори тезлик ва jisмоний босимга эга рақиблар билан камдан-кам тўқнаш келамиз. Жаҳон чемпионати иштирокчиси бўлган жамоамиз кучли босим остида ўйнашни мана шундай баҳсларда ўрганади. Бундан ташқари, ўртоқлик учрашувида асосий мақсад нима эканлигини унутмаслик керак. Бундай ўйинлар натижа учун эмас, тажриба орттириш, хатоларни англаш ва камчиликлар устида ишлаш учун ўтказилади. Агар биз доим ўзимиздан кучсиз жамоаларни ютиб юраверсак, камчилик ва нуқсонларимизни ҳеч қачон билолмаймиз.



Футбол тарихида дунёнинг энг кучли терма жамоалари ҳам йирик турнирлар олдида ўртоқлик ўйинларида турли экспериментлар қилиб, мағлубиятга учраганлар. Узоққа бормайлик, икки кун бурун Бразилия Японияга 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Лекин улар бундан фожиа ясаётгани йўқ. Мухими, мағлубиятдан тўғри хулоса чиқариш. Карло Анчелотти раҳбарлигидаги мураббийлар штаби бу ўйинда янги тактик схемаларни синовдан ўтказди. Бу эса расмий ўйинлар олдида қайси чизикларда муаммолар борлигини кўрсатиб берди.

Канададан олинган зарба терма жамоамизда ҳушёрликни оширади ва бўлажақ расмий ўйинларга максимал даражада тайёр бўлиб майдонга тушишга мажбур қилади. Хуллас, кечаги мағлубият

орқага кетиш эмас. Терма жамоамиз тўғри йўлдан бормоқда. Кучли рақиблардан қочмасдан, уларга қарши майдонга тушишининг ўзи катта ютуқ. Шундай экан, терма жамоамизни кайфиятни туширадиган танқидлар билан «калтаклаш» эмас, руҳни уйғотадиган, далда бўладиган сўзлар билан қўллаб-қувватлаш керак.

Унутмайлик, мундиалда бизнинг жамоага фақат юртдошларимиз эмас, бутун дунёга тарқалиб кетган ўзбеклар, бутун Марказий Осиё, дунёдаги барча туркий халқлар ва қолаверса, Италия ҳам мухлислик қилади. Бу – жуда катта ютуқ бўлиб, қўп нарсаларни англайди...

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Кун рақами

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ

643,2

**МИЛЛИАРД СўМИ
ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг расмий Telegram канали ёзишича,



Солиқ қўмитаси, Бухоро вилояти солиқ бошқармаси, «Ўзбекнефтегаз» АЖ, «SH.G.» МЧЖ, «S.E.» МЧЖ ҚҚ, «A.» МЧЖ ва «E.E.» МЧЖ ҚҚнинг Ўзбекистондаги доимий муассасаси масъул шахслари ўзаро тил бириктириб, Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш бўйича берилган **5,3 триллион сўмлик хизматлар** ҚҚСдан озод этилган бўлса-да, ҚҚС суммасини электрон ҳисоб-фактураларга ноқонуний киритиб, бюджетда асоссиз равишда ҚҚС маблағини ҳосил қилиб, ушбу маблағни «A.» МЧЖнинг ҳисобрақамига қайтарилишига ва «S.E.» МЧЖ ҚҚнинг давлат олдидаги кредиторлик қарздорликларининг йўқ қилинишига эришиб, **643,2 миллиард сўмлик бюджет маблағларини** ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган.

Ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.



Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эгалик қилмайди.

Абу Райҳон Беруний

МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссияси

томонидан «Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Тадбир давомида болалар хавфсизлигини таъминлаш, спорт ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, шунингдек, оромгоҳларда фаолият юритувчи ишчи-ходимларнинг масъулияти ва вазифаларига доир масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар мавсумни юқори савияда ташкил этиш, болалар учун барча қулай ва хавфсиз шароитларни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини алоҳида таъкидлашди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган ушбу семинар болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб бериши билан аҳамиятлидир. Унда болаларни спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини

Семинар

тарғиб қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда оромгоҳлардаги зарур шарт-шароитларни янада яхшилаш масалалари юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

– Бу йилги мавсумда пойтахт меҳнаткашларининг 31 минг 45 нафар фарзандларини шаҳар ташқаридаги 19 та стационар оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган, – деди Тошкент шаҳар кенгаши раиси Сайфулло Аҳмедов. – Ёзни кўнгилли, салбий оқибатларсиз ва фавқулодда ҳодисаларсиз ўтказиш сиз билан бизнинг зимма-мизда эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ҳар бир ходим ўз вазифасига масъулият билан ёндашади, болажонларнинг беҳавотир дам олишларини таъминлаган бўламиз.

Семинар якунида оромгоҳ раҳбарлари иштирокида амалий машғуллотлар ташкил этилиб, тақриба ва тавсиялар алмашилди.

Диёра РАВШАНОВА

«ISHONCH»

Нодир МИРАКМАЛОВ олган сурат

Анжуман



МЕҲНАТ МУҲИТИ МУДОМ ХАВФСИЗ БЎЛСИН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Малака ошириш институтида Агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига аъзо ташкилотлар ва меҳнатни муҳофаза қилишга масъул ходимлар иштирокида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда меҳнат муҳофазаси маданиятини юксалтириш, масъул ходимларнинг билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, соҳадаги қонунийлик ҳужжатлари ижросини таъминлаш орқали хавфсиз меҳнат муҳитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман давомида янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, иш жойларида хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олиш бўйича амалий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, ташкилотларда меҳнат муҳофазасига оид ҳужжатларни юритиш, ходимларни махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, меҳнат шароитларини баҳолаш ҳамда хавф омилларини барвақт аниқлаш бўйича замонавий ёндашувлар муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Гойибназарова соҳада амалга оширилаётган ишлар ва олдинда турган устувор вазифаларга атрофлича тўхтади.

Тадбир якунида иштирокчилар меҳнат муҳофазаси соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, илгор тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш ҳамда ходимлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартларидан бири эканини кайд этишди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА

«ISHONCH»

Туризм

Юртимизда меҳнат фахрийларига эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш эзгу анъанага айланган. Айниқса, уларнинг мазмунли хордиқ чиқариши, юртимизнинг тарихий қадимжоларини зиёрат қилиши учун яратилаётган имкониятлар қалбларда миннатдорлик ва фахр туйғуларини уйғотади.

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Хусусан, Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган кўмитаси ташаббуси билан 175 нафар ишчи-ходим, касаба уюшмаси фаоллари ҳамда меҳнат фахрийлари учун вилоятнинг тарихий, маданий ва зиёратгоҳ масканларига уюштирилган саёҳат жараёнида ҳам иштирокчиларга мазмунли хордиқ ва кўтаринки кайфият улашди. «Ўн бир Аҳмад» зиёратгоҳи, Исҳоқхон Ибрагим музейи, Ахсикент археологик ёдгорлиги ҳамда Мавлоно Лутфий маданият ва истироҳат боғида саёҳатчилар вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишди. Қадимий ва бой тарихга эга ушбу қадимжолар уларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, миллий меросимиз ва маънавий қадриятларимиз мужассамлашган зиёратгоҳларда бўлиш нурунийлар қалбига илқилик ва хотир-жамлик бағишлади.

Чуст туманидаги машҳур истироҳат боғида ташкил этилган маданий дастур эса тадбирнинг янада мазмунли ўтишига хизмат қилди. «Чуст оши» ва бир пиёла чой атрофида меҳнат фахрийлари ва иштирокчилар касаба уюшмалари томонидан ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр алмашдилар.

Санъаткорлар ижросида янграган дилтортар куй-қўшиқлар барча кўтаринки кайфият бағишлаб, тадбирга янада файз киритди.

Икромжон СОЛИЕВ,
Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган кўмитаси раиси

БОЛАЛАР УЧУН ЭНГ ЯХШИ СИ

Ёз – болалар учун энг севимли фасл. Бу мавсумда улар дам олиш билан бирга, янги дўстлар ортиради, жисмонан чиниқади, дунёқарашни кенгайтиради. Шу боис мамлакатимизда болаларнинг мазмунли ва хавфсиз дам олишнинг ташкил этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, соғломлаштириш оромгоҳларини ҳар томонлама тайёр қолдириш, хавфсиз ва қулай муҳит яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланган.

Нукус шаҳридаги «Турон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида янги мавсум арафасида республика ҳудудий комиссиясининг ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда масъул вазирлик ва идоралар болаларнинг хавфсиз дам олишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама этишди. Хусусан,

оромгоҳларда ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, ҳудудларни санитария талаблари асосида сақлаш, болаларни транспорт воситаларида хавфсиз ташиш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Тадбирда йўлланмаларни очиқ ва

шаффоф тақсимлашда «oromgoahlar.uz» электрон платформаси имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, рақамли тизим инсон омилни камайтириш, адолат ва шаффофлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда ижтимоий ҳимоя масалалари ҳам диққат марказида бўлди. Айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аъло баҳолашга ўқийдиган ўқувчиларни беғул соғломлаштириш тизимини янада кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Семинар якунида барча масъулларга ёзги мавсумни намунали ташкил этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Фотима АБДУРАИМОВА

«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Кўп қаватли уйимиздаги бир қўшним ёлғиз ўзи яшайди. Боз устига, кексаиб қолган. Агар уни умрининг охиригача парваришласам, уч хонали уйини менга мерос қилиб қолдирмоқчи. Бунга қонуний тартибда амалга ошириш учун нима қилишим керак?

Жасур ТўРАЕВ
Тошкент шаҳри

УЙ-ЖОЙНИ БИРОВГА БЕРИШ ШАРТЛАРИ ҚАНДАЙ?

ЖАВОБ: Келишувни қонуний тартибда амалга оширишнинг ягона йўли умрбод таъминлаш шарт билан уй-жойни ёки унинг бир қисmini бошқа шахсга бериш тўғрисида шартнома тузиб, уни белгиланган тартибда расмийлаштиришдир.

Бунда бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиги туғайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини, уй-жойни берувчи эса олувчига ўзига тегишли уй-жойни мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шарт билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномасида уй-жойни берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жойнинг қиймати кўрсатилиши лозим. Масалан, ўзаро келишув бўйича квартирани олувчи уни берувчига ҳар ойда муайян миқдорда нақд пул бериб туриши ёки умумий баҳоси шу пул миқдорига тенг бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туриши мумкин. Бериладиган уй-жой ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ



Бухоро шаҳридаги Касбий кўникмалар марказида вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда меҳнаткашларнинг экологик дунёқарашини юксалтиришга қаратилган «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» кўрик-танлови ўтказилди.

Мазкур тадбир мамлакатимизда экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва «яшил иқтисодиёт» тамойилларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди. Шунингдек, у давлатимиз раҳбарининг касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувида белгилаб берилган устувор вази-

фалар ижросини таъминлаш, жамоат ташкилотларининг экологик ҳаракатлардаги фаолигини янада оширишга хизмат қилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтган танловда тармоқ тизимларидаги 12 та йирик бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти иштирок этиб, ҳудудларни ободонлаштириш, чиқиндиларни саралаш, сув ва энергия ре-

сурларини тежаш ҳамда инновацион эко-лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги тажрибаларини намойиш этдилар. Ҳакамлар ҳайъатида, айниқса, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда чиқиндиларни қайта ишлашга оид кўргазмалар катта таассурот қолдирди.

Якуний натижаларга кўра, фахрли биринчи ўрин ва 2 миллион сўмлик пул мукофоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг академик лицейи жамоасига насиб этди. Бухоро давлат техника университети жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, 1,5 миллион сўмлик рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. Учинчи ўринни эса Бухоро давлат университети жамоаси қўлга кiritиб, 1 миллион сўмлик мукофот билан тақдирланди.

Ҳолиларга махсус статуэткалар, фаол иштирок этган жамоаларга эса ташаккурномалар топширилди. Мазкур кўрик-танлов меҳнат жамоаларида атроф-муҳитни асрашга бўлган шахсий дахлдорлик хиссини кучайтиришда муҳим мулоқот майдонига айланди. Келгусида бундай хайрли экологик ташаббусларни янада кенгайтириш вазифаси белгилаб олинди.

Абира ИМОВОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

Касаба уюшмалари томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан тиббиёт соҳасида фаолият юритиб

келаётган 3 нафар ҳамширага саломатликларини мустаҳкамлашлари учун имтиёзли йўлланмалар топширилди. Бундай беғул йўлланмалардан бири Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё филиали ҳамши-

раси Дилшода Пиримқуловага насиб этди.

– Юртимизда изчил давом эттирилаётган соҳаватли ишлар шарофати билан вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлими ҳамшираси Дастагўл Тожиёва иккимиз ҳам Тошкент вилоятидаги «Умид гулшани» санаторийида ми-

риқиб дам олиб, соғлигимизни тиклайдиган бўлдик. Бунинг учун касаба уюшмаларидан миннатдоримиз, – дейди вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси лаборанти Зулфия Холмуродова.

Чорн ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Модомики, доноларча жавоб беришларини хоҳлар экансан – доноларча савол бер.

Гёте

Бухоро вилояти ҳокимлигига!

«КОЛОДЕЦ» МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛАДИМИ?

Бухоро вилояти қадимийлик ва замонавийлик туташган, дунё нигоҳидаги марказ ҳисобланади. Бу ерга келаётган меҳмонлар ва хорижлик сайёҳлар учун йўлларнинг чиройли, текис ҳамда раван бўлиши, шубҳасиз, юртимиз нуфузини оширади. Бироқ вилоят ва шаҳар йўлсозларининг «ҳиммати» фақат олий мартабали меҳмонлар ҳаракатланадиган марказий трассаларни сошлаш ва ободонлаштириш билан чекланиб қолиши адолатдан эмас.

Бугун Бухоро шаҳрининг ички ва аксарият марказий кўчаларидан юрган ҳар қандай ҳайдовчи ёки йўловчи борки, мутасаддилардан норози бўлишмоқда. Чунки асфальт сатҳидан ўн сантиметр пастга чўккан ёки аксинча, худди миная каби бўртиб турган канализация ва бошқа махсус қудуқлар, яъни «колодец»лар ҳақиқий бош оғриғига айланган.

Ҳар гал юқори мартабали меҳмонларнинг вилоятга ташири арасида йўл курилиши ташкилотларида мисли кўрилмаган жонланиш кузатилиб, марказий йўллар қайта асфальтланади. Шу жараёнларда люклар ҳам текисланади. Аммо Бухоронинг асл йўл тизимидаги муаммолар ушбу манзара ортида кўринмай қолади. Юқори мартабали меҳмонлар ўтадиган кўчалардан бир неча юз

метр ичкарига киришингиз биланок мутлақо бошқа манзарани кўрасиз.

Наҳотки, шу ерлик аҳоли, яъни солиқ тўловчилар ҳар куни фойдаланадиган йўлларни сифати таъмирлаш, қудуқларни йўл сатҳи билан баравар қилиб текислаш учун маблағ, имконият ёки хоҳиш топилмас?

Муҳандислик қондаларига кўра, йўл таъмирланаётганда ундаги барча коммуникация қудуқлари махсус технология асосида бир хил ҳолатга келтирилиши шарт-ку! Нима учун бухоролик йўлсозлар оддий технологияни ўзлаштира олишмаяпти? «Колодец»лар туфайли машиналар «тўсиқлардан сакраш» машинани бажаришга мажбур бўлишяпти. Автоуловларга жиддий зарар етаётган ҳолатлар ҳам бор. Бу ҳам етма-



гандай, ҳайдовчи тўсатдан қаршисидан чикқан чуқур ёки дўнг люкдан қочаман деб рулни бошқа тарафга бурганида ёнма-ён келаётган машина билан тўқнашиб кетиши ёки йўл четидаги пиёдани уриб юбориши эҳтимолдан холи эмас.

Шундай экан, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, Автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳамда соҳага дахлдор масъуллар Бухоро шаҳрининг ички ва иккинчи даражали марказий кўчаларидаги нотекис, чўккан ёки бўртиб чикқан қудуқлар муаммосини жиддий ўрганиб, ижобий ҳал этиши зарур.

Бу борада мутасаддилардан амалий натижа кутиб қоламиз.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига!

ГЎШТ АРЗОНЛАШАДИМИ?

Гўшт нархи қимматлиги ҳақида кўпдан буён бонг уриб келинмоқда. Аммо натижа йўқ. Аксинча, унинг нархи йил сайин осмонга қараб ўрналамоқда.

Расмий ҳисоботларда чорвачиликни ривожлантириш учун кўплаб чора-тадбирлар кўриляётгани, миллиардлаб имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, янги-янги чорва комплекслари очилаётгани, хориждан зотдор қорамоллар келтириляётгани тўғрисида гапирилса-да, амалда ушбу ислохотларнинг самараси сезилмаяпти.

Хўш, муаммо қаерда? Нима учун гўшт нархини жиловлаб бўлмаяпти? Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва мутасадди ташкилотлар ҳақиқий вазиятни қанчалик тўғри таҳлил қилишмоқда?

Чорвадорлар ва соҳа вакиллари билан суҳбатлашсан-

гиз, баландпарвоз рақамларга ишонмаслик кераклигини таъкидлашади. Ем-хашак қимматлиги, сув танқислиги ва яйловлар қисқариб бораётгани туфайли мол боқиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётганидан ёзгиришади.

Айрим мутасаддилар гўшт қимматлигини унга талаб юқорилиги, яъни «гўштхўрлиги»миз билан изохлашяпти. Агар шундай бўлганда эди, болаларимизда камқонлик касаллиги кузатилмас эди.

Тўғри, ҳар куни кафе-ресторанларда овқатланадиганлар, уйда ҳам яхши таомлар пишириб ейдиганлар бор. Би-

роқ улар ҳафталаб гўшт емайди деганлардан кам. Гўшт ўрнини босади, деган илнжда ошга арзон қолбаса ишлатадиганлар ҳам топилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, шу йил 3 июнь куни Тошкентдаги «Эски жува» бозорида улгуржи нархда мол гўшти 75-106 минг, қўй гўшти 90-130 минг, музлатилган импорт гўшти 95-130 минг сўм атрофида сотилган. Бошқа бозорларда чакана нарх яна ҳам қиммат. Виолатларда ҳам мол гўшти арзон эмас. Ўртача иш ҳақи 6-8 миллион сўм бўлган мамлакат учун бу нарх баланд ҳисобланади. Ҳатто иқтисодий кўрсаткичлари биздан



анча юқори бўлган давлатларда ҳам гўшт бу қадар қиммат эмас.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг гўшт нархини барқарорлаштириш бўйича бирон-бир режаси борми? Ҳағолардан хулоса чиқарилди? Нобудгарчиликлардан сўнг чорва моллари сонини кўпайтириш ва ветеринария хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

Муҳаббат ТЎРАБОВЕВА
«ISHONCH»



Жавобини кутаётган саволлар...



Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига!

ҚАЧОНГАЧА ЁЗДА ЧАНГГА, ҚИШДА ЛОЙГА БОТАМИЗ?

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги Учтепа – Оқтом 4 Р-39 йўлини «йўл» дейишга ҳам тил бормайди. 26 километрлик масофа бу беҳисоб ўйдим-чуқурлардан иборат бўлгани боис уловингиз силкиनावериб, ичингиз тўкилади. Ёғингарчилик кунларида автомашинангизга лой чапланади, иссиқда эса чанг ютасиз.

«Самарқандқудуқ» маҳалласида яшовчи 3 минг 341 нафар киши бундай ҳолатга чидашга мажбур. Чунки улар асфальт масаласида турли идоралар эшигини қоқавериб, ҳафсалалари аллақачон пир бўлган. Масъуллар эса «Қачондир яхши бўлиб кетади» қабилдаги жавоб билан кифояланишмоқда.

Бу йўлнинг ялпи таъмирланганига 40 йилдан ошди, – дейди пенсионер Аъзам Андақулов. – Тўғри, илгари ора-сира таъмирланган. Аммо ҳозир ямайдиган асфальтнинг ўзи йўқ. Ёзмаган жойимиз қолмади. 2019 йили «Молия вазирлиги пул ажратмади», дейишди. 2019 ҳамда 2023 йилларда эса қанақадир дастурларга киритилгани айтилди. Аммо натижа йўқ. Ваҳоланки, ҳар куни қишлоғимиздан 200 чоғли талаба ва ишчи Жиззах шаҳрига қатнайди. Бизга жамоат транспорти зарур. Чунки автобусда йўл ҳақи 3 минг сўм, қираклар эса 12 минг сўм олишади. Транспорт соҳаси мутасаддиларига учрашсак, «Йўлларингни созланглар, бир соатда автобус кўйиб берамиз», дейишди.

– Бу йўналишда қатнаган машина тўкилиб, тамом бўлади, – деди исмини ошкор қилишни истамаган ҳайдовчи. – Ҳаракатлантириш ти-

зимлари тез ишдан чиқиб, гилдираклар ейилиб кетяпти. Табиийки, бу ҳаражатлар йўл нархига таъсир қилади. Алам қилгани, Жиззах шаҳридаги баъзи кўчаларга йилига икки марта асфальт ётқизилади. Биз эса ҳамон кутияпмиз.

Эътиборлиси, «Учтепа – Оқтом» йўли Жиззах шаҳрига яқин, қолаверса, Шароф Рашидов тумани маркази – Учтепа шаҳарчасининг биқинида жойлашган. Яна бир жиҳат: ушбу носозлик туфайли 3 минг 554 кишилик «Қулписар» маҳалласи фуқаролари туман маркази, Тошкент – Термиз М-39 трассаси ҳамда чўл туманларига айланма йўллар орқали боришларига тўғри келяпти.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига саволимиз шундан иборатки, «Самарқандқудуқ» ва «Қулписар» маҳаллаларида яшовчи қарийб 7 минг киши йўл асфальтланишидан умид қилса бўладими ёки йўқ? Зеро, 40 йиллик бу муаммо маҳаллий мутасаддилар кучи билан ҳал этилмаслиги аниққа ўхшайпти. Мабодо, яна 50 йил кутиш керак бўлса, кутамиз, фақат бизни бошқа алдамасанглар бўлгани...

Алижон АБДУСАТТОВ
«ISHONCH»

«TOSHKENT UNIVERMAGI»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорвоқ» сув омбори соҳилида жойлашган «Наврўз» дам олиш масканига таклиф этади. Бу ерда 1000 нафарга яқин киши дам олиш имкониятига эга. 2 ва 3 қаватли корпуслар, шунингдек, коттежлар меҳмонлар хизматида.

«НАВРЎЗ» ДАМ ОЛИШ УЙИ СИЗЛАРНИ КУТМОҚДА!



Мурожаат учун телефонлар:
71 233-50-23; 71 233-41-50.

Реклама

Ҳамма дунёни ўзгартиришга ҳаракат қилади, лекин ҳеч ким ўзини ўзгартириш ҳақида ўйламайди.

Лев Толстой

Бирини кўриб...

Мулоҳаза

ҲАММАМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛА

Яқинда Умарали Норматовнинг «Қодирийнинг сўнги илтижоси» мақоласини ўқиб қолдим. Унда 1938 йил 4 октябрь куни Бўзсув бўйидаги боғда Абдулла Қодирий вафотига гувоҳ бўлган боғбон Мирқомил Мирқомилнинг хотиралари қаламга олинган эди.

...Боғ ортидаги жарликда ўлимга маҳқум этилган инсонларнинг оҳ-фиғонлари, ингроқларига шохид бўлган боғбон орани тўсиб турган пахса деворига яқинлашар экан, қулоғига Қодирийнинг илтижоси эшитилди: «Командир ўғлон! Фляганг борми? Худо ҳаққи, умрим сўнгидан сендан биргина илтимосим – флягангни бериб тур. Таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқий. Бор-йўғи беш минут муддат бер».

Девор тешигидан қараган боғбон командир ва маҳбусни кўради. Командир маҳбус ўтинчини бажо келтиради. «Отанга раҳмат, командир ўғлон! Мен тайёрман! Буйругингни беравер!». Кейин ўқ овози янграйди... Бу овоз нафақат боғбоннинг, балки миллатимиз юрагини тилка-пора қилган эди.

Қодирийнинг «Суд-даги нутқ»ида келтирилган жумлаларга эътибор қилинг: «Мен тўғрилик орқасида бош кетса «иш» дейдиган йиғит эмасман... Кўнглида шамси суруботи, тескарчилик мақсади бўлмоғи содда, гўл, виждонли йиғитга бу қадар хўрликдан ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрчани эмасдир».

Умрини халқни маърифатли қилишга бахшида этган Абдулла Қодирий ёди қалбимиздан бир он ўчма-гай. Ҳатто ўлим чоғида ҳам, сўнги дақиқаларда ўзигини, ўзбеклигини унутмаган, маънан барҳаёт бўлган Қодирий асарлари йиллар ўтса ҳамки, севиб ўқилмоқда. Маънавий жасорат шахсиятидан тортиб асарларига кўчган бу каби улуг сиймоларимиз ҳаммиса тирик!

Дунёда инсон камолоти билан боғлиқ турфа тушунчалар мавжуд. Аммо улар орасида маънавиятнинг ўрни бўлак – яқна. Чунки камолот ва келажак, тарбия ва таълимга алоқадор кўпша кадрлар шу улуг тушунча остида бирлашиб, катта кучга айланади.

Бугун биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждоқларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият. Шу боис, мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қадри маданият ва санъат, адабиёт, оммавий

ахборот воситалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Маданият ва санъат соҳасини такомиллаштиришга катта аҳамият берилиб, ҳудудларда улуг санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил қилинди. Халқимиз қалбида маънавий баркамоллик ҳиссини шакллантириш, Ватан учун жон фидо этган аждоқларимиз, маърифат йўлида захмат чеккан жаҳид боболаримиз изидан борувчи ёшларни тарбиялаш эса долзарб вазифалардан биридир.

Айни шу жараёнда «Маънавият етакчилари қандай ишларни амалга оширишмоқда? Хўш, улар кимлар? Ҳамма ҳам маънавият етакчиси бўла олаётими?» деган саволлар бисёр.

Юртимиздаги таълим муассасалари, маданият масканларида фаолият юритувчи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ўзларининг ташаббуслари билан ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини оширишга қаратилган кўпша ишлар амалга оширишмоқда. Ёшларимиз тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва китобхонлик маданиятини ошириш каби муҳим омиллар атрофдагиларнинг бирдек эътибори, назорати ва ҳамкорлиги асосида янада ривожланади.

Бола мактабда таълим-тарбия олади, дўстлари билан мулоқотда бўлади. Оилада эса шахсий фазилатларини намён қилади, ота-онасидан эшитганларига амал қилади, уйдаги муҳитдан андаза олади. Бола тарбияси ва таълимига ҳамма бирдек дахлдор бўлсагина, муаммолар бўй кўрсатмайди, интеллектуал қобилиятга эга, янгила ташаббус қиладиган авлод камол топади.

Шундай экан, ҳар бир оилада ота-она, маҳаллада маҳалла фаоли ёки нуруний, таълим масканида ҳар бир педагог ва раҳбарлар, кутубхонада кутубхона ходими, қолаверса, йўлингизда учраган чигал вазиятларга ечим топиб, сизга эзгуликни ўргата олган ҳар қандай шахс маънавий етакчисиридир!

Энг муҳими, маънавият етакчиси сифатида ҳар биримиз келажак авлод тарбиясига бефарқ бўлмайлик!

Маъмура ЮСУПОВА,
Ҳамид Олимжон ва
Зулфия номидаги
ижод мактаби
директорининг маънавий-
маърифий ишлар бўйича
ўринбосари



Яқинда афғонистонлик отанинг интервьюси ижтимоий тармоқларда тарқалди. У оиласини боқиб учун 7 ёшли қизини турмушга бериш ёки уй ишлари учун сотишга тайёрлигини айтган. «Мен камбағалман, қарздорман, чорасизман. Бир қизимни сотсам, қолган фарзандларимни камидан тўрт йил боқшим мумкин. Юрагим эзилади, лекин бу ягона йўл», дея ўзини оқлаган.

БАХТИЁР ОТАНИНГ ИҚРОРИ

Афғонистонлик яна бир ота беш ёшли қизини аппендицит ва жигар кистаси билан касалланганидан кейин сотишга мажбур бўлган. «Даволаниш харажатларини тўлашга пулим йўқ эди. Шунинг учун қизимни қариндошимга сотдим», деган у.

Афғонистонда вояга етмаганлар никоҳи кенг тарқалган. Бунга «Толибон» ҳукумати тақиқлаши ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда.

Дарвоқе, Афғонистон муваққат ҳукумати яқинда қизлар сукут сақлашини никоҳ учун розилик белгиси деб қабул қилди. Шу тариқа «Толибон» вояга етмаганлар никоҳини қисман қонунийлаштирди. Болалигида турмуш қурганлар фақат вояга етмаганлардан кейингина никоҳни бекор қилишни талаб қила оlishadi.

Ҳа, тинимсиз урушлар ичيدا бўлган давлатнинг ахволи ачинарли. Бир пайтлар Афғонистон-

нинг энг йирик донори бўлган АҚШ 2025 йили унга деярли барча гуманитар ёрдамларини тўхтатди. Бошқа кўплаб асосий донорлар, жумладан, Буюк Британия ҳам ўз ҳиссасини сезиларли даражада камайттирди. БМТ маълумотларига кўра, 2026 йилининг ҳозирги кунигача олинган халқаро ёрдам ҳажми ўтган йилга нисбатан 70 фоизга камайган.

Аслида оталар ўз фарзандларини сотишлари фақат қашшоқликнинг оқибати эмас. Инсон иложсиз қолса, ҳар қандай разилликка боришга мажбур бўладиган ҳолатнинг ифодаси. Аниқроғи, фожиа! Очлик фақат ошқозонни эмас, қадриятларни ҳам емириши мумкинлигининг энг оғир кўрinishи бу.

Хабарни ўқиб, беихтиёр ўзимиз ҳақимизда ўйлаб қолдим. Кўп норози бўламиз, кўп нарсадан нолиймиз. Озиқ-овқат киммат, тирричилик оғир, мош етмайпти, деймиз. Хуллас, «нолиш миллий қадриятга айлангандек»...

Балки кимлар учундир турмуш юқини кўтариш осон бўлмаётгандир. Аммо, минг шукурки, фарзандимизни нонга алмаштириш даражасига тушиб қолмаганмиз. Ишлаган, ҳаракат қилган, бирон-бир касб-хунарнинг этагини тутган мардум оч қолмайди. Аслида мана шунинг ўзи бизга берилган катта неъмат!

Баъзан биз қадрини сезмайдиган оддий ҳолатлар бор. Масалан, фарзандларимиз эрталаб тинч-хотиржам, гулгун қиёфада мактаб ёки боғча томон ошқмоқда. Бозордан қайтарканмиз, қўлимизда ўғил-қизимизга аталган бирон-бир ширинлик ёки буюм бўлади. Болаларимиз кўча-кўйда ҳеч кимдан кўрқмай, шодон ўйнаб-қулмоқда. Бизнинг бахтимиз шу эмасми?

Давлатнинг энг катта бойлиги нефть, олтин, ҳашаматли бинолар эмас, фарзандларимиз тақдирдан, эртанги кунидан хавотир олмай яшаётганимизда эмасми?..

Бас, шундай экан, бошқаларнинг мусибатидан ҳулоса чиқарайлик. Ўзимизга берилган имкониятлар, яратилган шарт-шароитлар учун шукур қилайлик, уларнинг қадрига етайлик.

Бу мадждоҳлик эмас, балки тинч ва осуда юртда, тўқин-сочинликда, бағри-бутунликда умр кемираётган оддий фуқаронинг, бахтли отанинг иқрори...

Амир АХМЕДОВ

ТАЪМГА ҚАРАМ АВЛОД

Мушоҳада

Ёхуд ёшлар таомнасидаги фастфудлар

«Нонни увол қилма!», деган ўғит билан тарбия топган халқнинг фарзандлари бугун нон ўрнига трансёга қорилган бургерларни севиб истеъмол қилишмоқда.

Хўш, фарзандингиз «Сомса олиб беринг!» деб инжиқлик қилганини эслай оласизми? Назаримда, ундай эмас. Чунки бугун кўпчилик гамбургер, лаваш ва шунга ўхшаш таомларни маъқул кўришмоқда.

Ҳозир жаҳонда фастфуд саноати мисли кўрилмаган суръатларда кенгаймоқда. АҚШ ва Европа каби бозори тўйинган мамлакатлардан сўнг йирик трансмиллий корпорациялар ривожланаётган давлатларга, жумладан, Марказий Осиё бозорига юзланмоқда. Айниқса, шаҳарлашув кучайган, вақт тизилган жамиятда арзон ва тез тайёр бўладиган таомлар одамларга жозибадор кўринмоқда.

Аммо бу оддий овқатланиш масаласи эмас. Гап бугун бир маданият, турмуш тарзи ва миллат саломатлиги ҳақида кетмоқда. Ачинарлиси, миллий таомларимиз ҳам аста-секин фастфудлашиб бормоқда. Бугун айрим ресторон ва кафеда палов, сомса ёки шўрва олдиндан тайёрланиб, музлатилган ёки қайта иситилган ҳолда тортиқ қилинмоқда. Бу эса нафақат таомнинг таъмини, балки унинг табиий озуқавий хусусиятини ҳам йўққа чиқаради.

Нега фастфуд бунчалик мазали, деган савол кўпчиликни ўйлантириши мумкин. Жавоби оддий. Бундай маҳсулотлар таркибиде шаккар, туз, трансё ва сунъий таъм кучайтиригичлар кўп бўлади. Ҳатто ишлаб чиқарувчилар махсус формулалар орқали инсонда таъмга нисбатан қарамлик ҳосил қилиши ҳам рост. Аслида бу маҳсулотлар организмни секин-аста емириб боради.

Картошка фри, бургер, қовурилган говуқ, лаваш каби тез тайёрланадиган таомлар таркибиде трансёлар ва юқори даражада қайта ишланган компонентлар кўп учрайди. Улар қондаги холестерин мувозанатини издан чиқаради, яъни «ёмон» холестерин миқдорини ошириб, «яхши»сини камайттиради. Шу тариқа қон томирларида ёғ қатламлари ҳосил бўлишига, юрак-қон томир касалликлари хавфи орттишига олиб келади.

2025 йили эълон қилинган қатор илмий ҳулосалар ҳам вазият жиддийлигини тасдиқлади. Йирик мета-тахлил натижаларига кўра, фастфудни мунтазам истеъмол қилувчиларда семириш хавфи қарийб уч баравар юқори экани аниқланган. Тадқиқотлар тез тайёрланадиган овқат порцияларининг катталашини тана вазни орттиши билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, трансёлар организмда сурункали яллиғланиш жараёнларини кучайтиради, ҳужайралар қаришини тезлаштиради ва иммунитетни заифлаштиради. Айрим канцероген моддалар эса саратон касалликларини хавфини ҳам оширади.

Лекин муаммо фақат маҳсулот таркибиде эмас. Фастфуд овқатланиш маданиятимизни издан қарайпти. Одамлар кўчада, машинада, йўл-йўлақай, тик турган ҳолда овқатланишяпти. Бундай ҳолатда ошқозон тўйганини ҳис қилмайди, мия эса «тўқлик сигнали»ни кеч қабул қилади. Оқибатда инсон меъдидан ортиқ овқат ейди. Фастфуд ейишга қулай, оқиб кетмайди, қошиқ ёки

санчки керак товуқ, лаваш каби тез тайёрланадиган таомлар таркибиде трансёлар ва юқори даражада қайта ишланган компонентлар кўп учрайди. Улар қондаги холестерин мувозанатини издан чиқаради, яъни «ёмон» холестерин миқдорини ошириб, «яхши»сини камайттиради. Шу тариқа қон томирларида ёғ қатламлари ҳосил бўлишига, юрак-қон томир касалликлари хавфи орттишига олиб келади.

2025 йили эълон қилинган қатор илмий ҳулосалар ҳам вазият жиддийлигини тасдиқлади. Йирик мета-тахлил натижаларига кўра, фастфудни мунтазам истеъмол қилувчиларда семириш хавфи қарийб уч баравар юқори экани аниқланган. Тадқиқотлар тез тайёрланадиган овқат порцияларининг катталашини тана вазни орттиши билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, трансёлар организмда сурункали яллиғланиш жараёнларини кучайтиради, ҳужайралар қаришини тезлаштиради ва иммунитетни заифлаштиради. Айрим канцероген моддалар эса саратон касалликларини хавфини ҳам оширади.

Лекин муаммо фақат маҳсулот таркибиде эмас. Фастфуд овқатланиш маданиятимизни издан қарайпти. Одамлар кўчада, машинада, йўл-йўлақай, тик турган ҳолда овқатланишяпти. Бундай ҳолатда ошқозон тўйганини ҳис қилмайди, мия эса «тўқлик сигнали»ни кеч қабул қилади. Оқибатда инсон меъдидан ортиқ овқат ейди. Фастфуд ейишга қулай, оқиб кетмайди, қошиқ ёки



реклама кўзгатган хоҳишдан келиб чиқиб, овқат истеъмол қилаётгандек...

Хуллас, захарни ўз пулимизга сотиб оляпмиз. Йиллар ўтиб, арзон ва «мазали» таомлардан тежалган маблагни икки баравар ортиги билан дори-дармон, тахлил ва муолажаларга сарфлаймиз.

Тўғри овқатланиш ва фастфуд индустрияси ҳақидаги муаммолар шу қадар кенги, уни бир мақола доирасида тўлиқ қамраб олиш қийин. Аммо бир савол ҳар биримизни ўйлантириши керак: биз ўз ихтиёримиз билан саломатлигимиз ва келажакимизни издан чиқармаяпмизми?

Хулқар ПУЛАТОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Ҳабиба Охунова ижросида
«АЛЛА»
таронаси

Алла айтай, жоним болам, қулоқ солгин, алла. Ширин аллам тинглаб аста, ушлаб қолгин, алла.



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi)

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hay'oti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatir va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulnurbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Boisishga toposhish vaqti: – 22:00
Topsish vaqti: – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 220 ta

Shundan: 6 555 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 464 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyd chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-611**
1 2 3 4 5 6